

---

## 22 декабрь - Энергетиклар куни

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман Кенгаши томонидан тумандаги электр тармоқлари идорасида 22 декабрь - "Энергетиклар куни" муносабати билан бошлангич партия ташкилоти аъзолари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Мазкур тадбирда сузга чикган Ўзбекистон ХДП туман Кенгаши раиси, туман кенгаши депутати Турсунбой Солиев йиғилганларга Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев яқинда МДХ давлатлар раҳбарлари билан видеомулоқот тарзида ўтган Саммитдаги нутқидаги вазифалар ҳамда Ҳамдустлик Давлатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли алоқаларимизнинг янада юксалтиришга қаратилган таклифлари юзасидан тушунчалар бериб ўтди. Давра суҳбати сўнгида бир гуруҳ фаол иштирокчиларга касб байрамлари муносабати билан партиянинг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, партия сафига кириш истагини билдирган ўн нафар фаол ёшлар Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилинди.

2020-12-22 20:57:24